**• Долзарб мавзу**

***Тошкентни жуда кўп мамлакатлар билан боғловчи халқаро авиайўналишлар сони йил сайин ошиб боряпти. Бу ҳаммамиз учун қувонарли ҳолдир, албатта.***

***Пойтахтимиз аэропортида халқаро йўналишлар бўйича учадиган йўловчилар учун барча қулайликлар яратиляпти. Хуллас, келгусида бошқа мамлакатларнинг фуқаролари Ўзбекистонга келиб кетишда яхши таассуротларга эга бўлишлари шубҳасиз.***

# ҲАВО ДАРВОЗАСИ ҲУСНИДАГИ ДОҒЛАР

## ЁКИ ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАГИ НОҚУЛАЙЛИКЛАР ХУСУСИДА

Лекин бўзчи белбоққа ёлчимайди, деганларидек Ҳамдўстлик мамлакатларига ва маҳаллий йўналишлар бўйича қатнайдиган самолётларнинг йўловчилари бундай қулайликларни фақат орзу қилишлари мумкин. Чунки, бу ердаги шароит яхшиланиш ўрнига тобора ёмонлашиб боряпти. Шу боис нафақат Тошкент аэропортидаги, балки темирйўл вокзаллари, автовокзаллар, бош бекатлардаги тартибсизликлар, ноқулайликлар, қонунбузарликлар ҳақида редакцияга тез-тез хат-хабарлар келиб туради. Биз яқинда аэропортда бўлганимизда йўловчи-газетхонлар ҳақлигига яна бир карра амин бўлдик.

Ҳозир Ҳамдўстлик мамлакатларига учувчи самолётларга одамлар, асосан, тепасига «Аванперрон» деб ёзилган омонатгина бино орқали чиқадилар. Айрим ҳолларда уларга маҳаллий йўналишдаги аэропортда хизмат кўрсатилади. Биз 30 январь куни «Аванперрон» олдида бўлганимизда, бу ерда Иркутскка учувчи йўловчилар рўйхатдан ўтказилаётган экан. Эшик олди одамлар билан тўла. Атрофда бирорта ўриндиқ кўринмайди. Усти ёпиқ жойни-ку қўяверинг. Ўша куни яхшиям ҳаво очиқ, илиқ эди. Агар ёмғир, қор ёғаётган ёки қаттиқ совуқ бўлса-чи? Унда йўловчиларнинг ҳолига вой, деяверинг.

— Тошкентга биринчи келишим, — дейди иркутсклик ишбилармон Юрий Никифоров. — Шаҳрингиз чиройли, одамлари менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон билан ҳамкорликка оид анчагина масалаларни ўз вақтида ҳал этдим. Лекин бу ердаги аҳвол, ноқулайлик мени ранжитди. Менимча, пойтахт ҳамма соҳаларда, шунингдек, меҳмонларни қабул қилиш ва кузатишни ўрнига қўйишда ҳам намуна бўлиши керак...

Унинг бу сўзларини шаҳримиз меҳмонларининг кўпчилиги маъқуллашди.

Маҳаллий йўналишлардаги аэропортда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. 1 февралдан самолёт чипталари нархи 40 фоиз ортди. Лекин энди кўпроқ пул тўлаган йўловчи илгаригидек яхши хизматдан бебаҳра қолаверади. Қизиқ ҳолат: йўл ҳақи ортади-ю, йўловчиларга яратиладиган қулайлик ўзгармайди, айрим ҳолларда янада ёмонлашади.

Аэропортларда самолётларнинг учиши ва келиши турли сабабларга кўра кечиктирилишининг гувоҳи бўлганмиз. Шундай шароитда нима қилиш керак? Ёш болали аёллар, қариялар, ногиронларнинг ҳоли нима кечади? Бироқ бу ҳақда ҳеч ким бош қотирмаяпти. Бир неча қаватли «Космос» меҳмонхонасининг маъмурий бинога айлантирилганлиги фикримизнинг далили эмасми?

— Тошкентда тез-тез бўламан, — дейди йўловчи Эркин Эгамназаров. — Чипталаримиз чўнтакда бўлса ҳам кўпинча, вақтида учолмаймиз. Шундай пайтда бу ерда қийналиб кетади, одам.

Дарҳақиқат, маҳаллий йўналишдаги чипталарни ва йўловчиларни рўйхатдан ўтказадиган жойлар тор, ноқулай. Бинога яқин ерда одамлар дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган, овқатланадиган тузукроқ чойхона, ошхона йўқ. Аэропортга кираверишдаги кичкинагина ошхонада таомлар тури кам, сифати яхши эмас. Бироқ нархи осмонда. Масалан, ярим коса палов 21 сўм, бир дона сосиска эса 8 сўм сотилмоқда. Бетартиб жойлашган қўлбола ошхоналар, дўкончалар, улардаги пала-партишлик ва ифлослик шаҳримиз ҳаво дарвозаси ҳуснидаги доғларга ўхшайди.

Биз бу ерда бўлган кунимиз керакли жойга қўнғироқ қилолмай, жуда қийналдик. Сабаби — ҳар ер, ҳар ерга ўрнатилган таксофонлар безорилар томонидан бузиб ташланган ёки бутунлай ўғирлаб кетилган. Агар омадингиз келиб, бирорта ишлайдиган таксофонни учратсангиз, унга махсус танга тополмай овора бўласиз.






Ўзбекистон мустақилликка эришгач, виждон эркинлиги таъминланди. Одамлар энди бемалол диний маросимларни ўтказмоқдалар, намоз ўқимоқдалар. Бироқ самолётни кутаётган кўпчилик диндорлар таҳорат олиш жойи ва намоз ўқиш хоналарининг йўқлигидан қийналишяпти.

Хорижий элларда йўловчи билет олишдан тортиб то самолётга ўтиргунча ва ундан тушиб, уйига етиб олгунча, ҳеч қийналмайди. Уларга аэропортнинг беминнат хизматчилари-ю ширинсухан таксичилар керакли ёрдамни кўрсатишади.

Тошкент аэропортида эса аксинча. Қўлидаги зилзамбил юкини зўрға кўтарганча, юз метрлар чамаси йўл юриб, темир дарвозадан чиқиб олган йўловчини фақат ҳамёнини ўйлайдиган «ҳожатбарор»лар қарши олади.

Муомала маданиятини билмайдиган бундай кимсалар қўлингиздаги оғир юкингизни олиб, оғирингизни енгил қилиш ўрнига чўнтагингизни шилиш билан овора. «Яхши етиб келдингизми?»ни ўрнига гапни «Қаерга борасиз», «Бунча берсангиз олиб бораман», «Российский, доллар бўлса ҳам олаверамиз»дан бошлашади. Юкини зўрға кўтариб келаётган йўловчининг бу гапларни эшитиб, асаби таранглашмай иложи йўқ. Киракаш билан келишилган тақдирда ҳам юкини машинагача ўзи олиб боришга мажбур. Сабаби — маҳаллий йўналишлар бўйича учадиган йўловчиларни кузатиш ва кутиб олиш ерларида бирорта юк ташувчи учратмайсиз.

— Биласизми, ука, — дейди ўзини профессор, деб таништирган тошкентлик Азим Сатторов, — пулинг, имкониятинг бўлсаю ундан самарали фойдалана олмасанг, алам қилар экан. Чет элларда кўп бўлганман. У ерларда хизмат кўрсатишни кўриб ҳавас қилганман. Қани энди бизда ҳам ишлар шундай ташкил қилинса, деб орзулаганман.

Биз кўп соҳаларда катта ўзгаришлар бўлаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Насиб этганига шукур. Лекин яқинда рўй берган бир нарса кўнглимни ранжитди. Қаршида яшайдиган бир қариндошимиз вафот қилганини эшитиб, дафн маросимига етиб бориш учун аэропортга билет учун буюртма бериш мақсадида телефон қилдим. Аммо қарийб бир соат уринсам-да, иш битмади. Телефон доимо банд. Начора, такси олиб, Шота Руставели кўчасида жойлашган аэрокассага келдим. Мавжуд тўртта кассанинг биттаси ишлаётган экан, одам кўплигидан яқинига бориб бўлмайди. Справкалар бюроси олди ҳам тирбанд.

Кираверишда маълумот олиш учун қўйилган тўртта компьютердан бирортаси ишламайди. Ноилож, ишлаётган касса олдида узундан-узоқ навбатда турганлар сафига қўшилишга мажбур бўлдим. Ниҳоят, бир ярим соат деганда навбат етди. Бироқ умид пучга чиқди. Кейинги икки кун ичида Қаршига билет йўқ экан. Чиқмаган жондан умид, дея аэропортга бордим. Ҳайрият, иложи бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ экан. Бир «ҳожатбарор» йигит устига 150 сўм олиб, бир пасда ишимни тўғрилаб берди.

Самолётга кечикмаслик мақсадида юкимизни келтириш учун такси тўхтатиш жойига чопдим. Лекин бирорта такси кўринмайди. Хуллас, яна бир «ҳожатбарор» шоферни топиб унинг айтганини тўлаб, юкларимизни келтирдик.

Маҳаллий йўналишлар бўйича самолётлар учадиган аэропорт зинаси олдида юк ташувчи қидириб, зир югурамиз, қани топила қолса... Ит азобида учта зинадан чиқиб-тушиб, рўйхатдан ўтиш жойига етиб олдик. Самолётга чиқиш ҳам бир азоб бўлди. У учгандан сўнг қарасак ўнтача ўриндиқ бўш. Во дариғ, шунча одам чипта тополмай сарсон-ку, самолёт тўлмай учса! Бизда ҳам чет эллардагидек телефонда чиптага буюртма бериш, юкингга қўл урмай, хизмат ҳақини тўлаб, бемалол манзилингга етиб олиш мумкин бўлармикин-а?

Аэропорт бошлиғи Азиза Қаҳҳорованинг айтишича, ҳақиқатан кейинги пайтда бу ерда йўловчиларга яратилган шароит ҳам, уларга кўрсатилаётган хизмат даражаси ҳам кескин пасайган. Бундан 2-3 йил илгари бир кеча-кундузда марказий йўналишлар, яъни Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича 50-60 та, маҳаллий йўналишлар бўйича 110-112 та самолёт жўнатилиб, қабул қилинган.

Аэропорт ходимлари минглаб одамларнинг бу ерда ўз самолётларини кутишлари, мириқиб дам олишлари, овқатланишлари, бошқа зарур хизматлардан баҳраманд бўлишлари учун яхшигина шароит ярата олишганди. Кейинги пайтда йўналишлар сони ҳам, учадиган самолётлар ҳам камайди. Йўловчилар ташиш хизмати бошлиғи Акбар Тешабековнинг берган маълумотига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир бир кеча-кундузда Ҳамдўстлик мамлакатларига 10-12 та, Ўзбекистон шаҳарларига 32-34 та самолёт учаяпти. Йўловчилар сони ҳам кўп эмас — икки минг атрофида.

Лекин уларга яратилган шароит ҳеч кимни қониқтирмайди. Оналар ва болалар хоналари, дам олиш хоналари йўқ. Кутиш жойларининг аксар қисми ташқарида, очиқ ҳавода. Ўриндиқларнинг ёғочлари синиб, тагидаги бетонлари нураб кетган. Ифлослигидан ўтириб бўлмайди.

Маҳаллий йўналишлар бўйича учадиган самолётларни кутиш жойи усти ёпиқ бўлса-да, ўриндиқлар темирдан ишланган. Қаҳратон қиш ёки жазирама иссиқда бу ерда ўтирганнинг ҳолига вой! Бирор касалга йўлиқиши табиий. Аммо осмон узоқ, ер қаттиқ, деганларидек шўрлик йўловчининг бошқа иложи йўқ.

Чипталар ва йўловчилар рўйхатдан ўтказиладиган жойнинг чеккасидаги чоғроқ хонада учта чипта сотиш жойи бор. Аэропорт навбатчиси ҳам қарши томонда ўтиради. Бу ер доимо одамлар билан тўла. Биров чипта илинжида навбат кутса, биров навбатчига ялиниб-ёлворади. Аммо иш битиши қийин. Ҳамма: «Чипталар сотилган, жой йўқ», деган жавобни олади.

Биз ҳам 30 январь куни тушга яқин шу хонага кирганимизда кассалар олдида деярли одам йўқ эди. Чунки бир-иккита йўналишдан бошқа ерга чипта сотиб бўлинибди. Урганчга эса 2 февралгача чипта йўқ экан. Урганчга чипта сўраганимизни эшитиб, бир йигит бизга мурожаат қилди:

— Истасангиз икки соатдан сўнг учиб кетишингиз мумкин.

— Кассир чипта йўқ, деяпти-ку?

— У йўқ деяверади, аммо биз тўғрилаймиз. Нархини келишсак, бас. Шу куниёқ Урганчда бўлишингизга мана, биз кафил. Улар билан ташқарига чиқдик. Кўпчилик эканлар. «Учтами, тўрттами, ўн минутда қўлингизда бўлади. Фақат ҳар бир чипта устига 250 сўмдан берасиз», — деди норғул, барваста йигитлардан бири.

— Жуда қиммат-ку, бироз камайтиришнинг иложи йўқми?

— Бўлмайди ака, сиз берганингизнинг бизга теггса чораги тегади.

Нарироқ кетдик. Бир киши бизнинг суҳбатимизни эшитиб турган экан шекилли олдимизга келди.

— Урганчга бормоқчимисизлар ёшуллилар, — деди у биз билан суҳбатлашаркан. — Меҳмон бўлиб бораётганга ўхшайсиз. Мен маориф соҳасида ишлайман, исмим Шариф, фамилиям Мадраҳимов. Хизмат тақазоси билан Тошкентга тез-тез келиб тураман. Кўпинча чиптани қўлдан оламан. Бошқа илож йўқ. Кетмай десангиз, меҳмонхона қиммат. Кетай десангиз, аҳвол шу. Сизлар ҳам қолиб кетмай десангиз, айтганига олаверинглар. Мен ҳам бир соат олдин шулардан ҳарид қилдим.

Шу пайт ҳалиги йигитларнинг бири олдимизга келди.

— Тезроқ бўлинглар, самолёт учишига икки ярим соат қолди. Йўқса қуруқ қоласизлар. Харидор кўп.

Биз баҳона қилиб қўяқолдик:

— Шеригимиз келиши керак эди. Келса маслаҳатлашардик.

— Э, маслаҳатлашиш нимаси, паспорт билан пулни бераверинглар биз чиптани олиб қўямиз. Кейин маслаҳатлашаверасизлар.

— Пулимиз шеригимизда эди. Келса чиптани албатта оламиз.

— Тезроқ бўлинглар. Яна ярим соат бўламиз, дея улар нари кетишди ҳафсалалари пир бўлиб.

— Бунақа ваъдалар кўп бўлган, — деди Азиза опа биздардан бу воқеани эшитиб. — Баъзан шунақаси учраб туради. Айримлар «ҳожатбарорлар»нинг гапига ишониб, уларга паспорт ва пулни беришади-да, чипта кутиб ўтираверишади. Чиптафурушлар эса жўнаб қолишади. Алданган одам эса, то самолётга одамлар чиқарилиши бошлангунча кўз тикади. Алданганини билгач, бизга югуриб келади. Биз эса милицияга мурожаат этамиз. Аммо қаллобларни топиб бўлармиди?!

Биз шу куни аэропорт транспорт милицияси бўлинма командири Ҳабибулло Бобомуродов билан суҳбатлашиб, ундан турли қонунбузарликларнинг пайини қирқиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўрадик.

— Бу борада кўп иш қиляпти, — деди у, — лекин биласизми, биз бошлиқларсиз ҳеч қандай маълумот беролмаймиз. Рустам Исломов деган раҳбаримиз бор. Жуда яхши одам. Ҳузурларига борсангиз, ҳамма қилинган ишлар ҳақида билиб олишингиз мумкин...

Бошлиқ йўқ экан, унинг муовини Азамат Юсупов ҳузурига кирдик. У киши ҳам шошиб турган экан, эртага керакли маълумотларни беришни ваъда қилиб, тезда жўнаб кетди. Эртаси куни редакцияга жиноятларнинг олдини олиш катта инспектори, милиция майори Элеонора Орловцева келиб, қуйидаги маълумотларни тақдим этди:

«Тошкент аэропорти транспорт милицияси жамоат тартибини сақлаш, товар-моддий бойликларни асраш, гиёҳвандлик моддалари ва контрабанда молларини олиб ўтилишига йўл қўймаслик учун авиация транспорт прокуратураси, божхона хизмати ходимлари билан қатъий иш олиб бормоқда. Ўтган йили «Тозалаш», «Қидириш», «Таътиллар», «Йўловчи-94» деб номланган тадбирлар амалга оширилди. Натижада 125 та қонунни бузиш ҳоллари аниқланди. Гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга уринган 114 киши ушланди. Натижада 35 килограмм турли хил гиёҳвандлик моддалари мусодара этилди...»

Кўриниб турибдики, транспорт милицияси қонунбузарликка қарши курашувчи бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир мунча ишларни амалга оширган. Буни инкор этмаймиз. Аммо бирорта ҳам чипта сотувчилар, товламачилар ушланмаганлиги бизни ҳайрон қолдирди. Чунки, биз борган куни мизоқ уларни учратдик. Демак, айримлар ўйлагандек, меҳнаткашлар мулкини туя қилувчилар йўқ эмас, бор. Фақат уларга қарши жиддий, касб маҳоратини ишга солган ҳолда кураш олиб бориш керак, деб ҳисоблаймиз.

***Кўриниб турибдики, Шарқ дарвозаси деб атаб келинган Тошкент аэропортининг ҳозирги аҳволи, унинг санитария ҳолати, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси номига муносиб эмас. Биз бир кунлик рейд давомида бу ердаги камчиликлар, нуқсонларнинг ҳаммасини кўрмай, илғамай, сезмай қолган бўлишимиз мумкин.***

***Ҳурматли газетхонлар, азиз йўловчилар! Ўйлаймизки, сиз ўзингиз кўрган, бошингиздан кечирган ҳангомалар, тартибсизликлар, ноқулайликлар ҳақида бизга ёзиб юборасиз. Уларга қарши биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, фойдадан ҳоли бўлмас...***

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**

**Лев СПИРИДОНОВ,**
**«Народное слово»нинг махсус мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Ўрни бору ўзи йўқ таксофонлар. 2. Йўловчилар ўз самолётларини мана шундай аҳволда кутишади.**

**Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## АВСТРАЛИЯ КОИНОТГА ИНТИЛАЯПТИ

***Австралия ҳукумати миллий коинот дастурини амалга оширишда Россиянинг ракета ташувчиларидан фойдаланишни режалаштирмоқда.***

«Сидней морнинг геральд» газетасининг хабарича Австралия коинот агентлигининг ижроия директори Малколма Фэрроунинг таъкидлашича, айни пайтда Россия Федерацияси билан ушбу масалада музокаралар олиб борилмоқда.

## ВАЗИР ПРЕЗИДЕНТ МАКТУБИНИ ТОПШИРДИ

***Яман Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Абдул Карим Ал-Аряни Сурия ва Иорданияга сафари чоғида ҳар икки давлат Президентлари билан учрашди.***

Ташқи ишлар вазири Президентларга Яман-Саудия Арабистони чегараларидаги баҳсларга оид Яман Республикаси Президенти Али Абделла Салеҳнинг мактубини топширди.

## ИСРОИЛ ЖЎЛОН ТЕПАЛИКЛАРИНИ ТАРК ЭТИШГА ТАЙЁР

***Сурия билан олиб борилаётган тинчлик музокаралари яхши натижа бериши мумкин, деди АҚШга ташриф буюрган Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес.***

У Исроил ҳукумати ўз қўшниларини Жўлон тепаликларидан олиб чиқиб кетишга тайёр эканини айтиб, ушбу жараёнда Сурия Президенти суст фаолият кўрсатаётганини таъкидлади.

## ИТАЛИЯ — ВЕНГРИЯ ЯҚИНЛАШАЯПТИ

***Венгрия Президенти Арпада Генц тўрт кунлик амалий ташриф билан Италияга келди.***

Ушбу ташриф Италия давлат раҳбари Оскар Луижи Скальфаровнинг таклифига биноан амалга оширилмоқда. Ташриф чоғида у ҳукумат вакиллари билан учрашади. Шунингдек, Рим ва Милан ишбилармон доиралари билан ҳам учрашиш режалаштирилган.

## ИШ ТАШЛАШДАН ВОЗ КЕЧИШДИ

***Россия Федерациясининг Чита вилояти кўмир қазувчилари 8 февраль куни Бутунроссия кончилар иш ташлашида қатнашиш ниятидан воз кечишди.***

Читалик кончилар касаба уюшмаси вакилнинг айтишича, бир кунлик иш ташлаш Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирда ёқилғи муаммосини кескинлаштиради. Байкал бўйидаги кончилар айни пайтда иш ташловчиларни қўллаб-қувватламоқда.

## КИМНИНГ ВИНОСИ ЯХШИ

***Молдавия Республикаси пойтахтида «Молдавия виноси-95» халқаро савдо кўргазмаси очилди.***

Кўргазма тўрт кун давом этади ва унда турли хил алькоголли ичимликлар намойиш этилади. Кўргазмага Германия, Италия, Португалия ва украиналик виночиларнинг маҳсулотлари ҳам қўйилади.

## ЧЕЧЕН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

***БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссарлиги бошқармаси Шимолий Кавказга тезкор гуруҳ жўнатди.***

14 кишидан иборат бу тезкор гуруҳ БМТнинг чеченистонлик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича тузилган уч ойлик дастурини амалга оширишда кўмак беради. Дастур бўйича 160 минг чеченистонлик қочқинга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган.



**Қозоғистон археология музейида қўйилган антик аждодлар кийими томошабинлар эътиборини тортаяпти.**

## ТАШРИФ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

***Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас мамлакат миллий радиоси мухбири билан суҳбатда Белорус билан имзоланган ҳужжатларнинг аҳамиятини жуда юқори баҳолади.***

Литва билан Беларус Республикаси ўртасида давлат чегараси ҳақида ва яхши қўшничилик тўғрисида шартномалар имзоланишининг ўзи мамлакат ҳаётида юз берган муҳим сиёсий воқеадир, деди Президент.

# ЭЛ ДЕЙДИ ҲАМИША НАВОИЙНИ

• *Навоийхонлик*

## ЎГИТЛАР ОЛАМИ

**Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур;**
**Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон харгиз.**

***Шу мазмундаги байтлар, байтларгина эмас, шу мавзудаги махсус ғазаллар, қитъалар, рубоийлар, фардлар ва муаммолар Навоий девонларида шунчалик кўпки, уларнинг ўзидан махсус девон тартиб берса бўлади.***

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Хоразмнинг Хонқа туманидаги Навоий номли мактабда улуғ шоир хотирасига бағишланган адабий кеча ташкил этилган эди. Кеча Навоийнинг ҳикматли сўзлари билан бошланган, йигирмага яқин ўқувчи залнинг ҳар томонидан шоирнинг одоб-аҳлоқ ҳақидаги бирбиридан гўзал байтларини завқшавқ билан ўқир экан, мажлис иштирокчилари уларнинг ҳар бирини қарсаклар билан олқишлар эдилар. Чунки Навоийнинг турли асарларидан танлаб олинган бу ҳикматли сўзлар худди шу бугун ёзилгандай, инсон ҳаётининг, одоб ва аҳлоқининг энг нозик жиҳатларига алоқадор эди. Масалан, шоир «Хайратул-аброр»да ота ва онани эъзозлаш ҳақида:

**Бошни фидо айла ато қошиға,**
**Жисмни қил садқа ано бошиға...**
**Тун-кунунга айлагали нур фош,**
**Бирисин ой айла, бирисин қуёш —**

деб ёзган экан ёки киши бир ишни амалга оширмоқчи бўлса, буни у шошмасдан, пухта ўйлаб қилиши лозимлиги тўғрисида «Маҳбубул-қулуб»да:

**Ҳар кимсаки айламас ошуқмоғни ҳаёл,**
**Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол, —**

деб уқтирар экан, бу гапларни эскириб қолган дейиш мумкин-ми?!

Алишер Навоий одоб-аҳлоқ соҳасида шундай бой адабий мерос қолдирдики, у ўзбек адабиётидагина эмас, жаҳон адабиётида ҳам камдан-кам ижодкорга муяссар бўлган. «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр» тўла равишда шу одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. «Садди Искандарий» достонининг катта бир қисми ҳам панд-насиҳат ва тарбиявий аҳамиятга молик ҳикоятлардан иборат. Шоирнинг «Арбаин» асари Абдураҳмон Жомийнинг шу номдаги асарига назира сифатида яратилган. Худди шунингдек, 266 рубоийни ўз ичига олган «Назмулжавоҳир» асари Хазрат Алининг «Насрул-луоли» асаридаги ҳикматли гаплар асосида назм ипига тизилган.

Навоий бадиий адабиётни панд ва насиҳатларсиз, ҳикматли сўзларсиз тасаввур эта олмас эди. У ҳатто ўзининг мунис шеърларини ҳам шундай ўгитлардан ҳоли бўлишини истамас, ишқий ғазал ва рубоийларига инсон ҳаёти, юриш-туриши учун зарур бўлган ҳикматли гапларни қистириб кетишни шарт деб билар эди. «Бадоеъул-бидоя» деб аталган биринчи девони сўзбошиси («Дебоча»)да улуғ шоир бу тўғрида муҳокама ва мулоҳаза юритар экан, шеър ёзиш ва девон тузишдан мақсад фақат «мажозий ҳусну жамол тавсифи» ҳамда «ҳатту ҳол таърифи» бўлмаслиги керак, — дейди. Унингча, ўз шеъриятидан девон тартиб қилган ҳар қандай шоир буни яхши билади ва «маърифатимиз бир ғазал»дан ёки «мавъизатангиз» байтлардан ҳоли бўлган девонни топиш қийин. «Мундоқ девон битилса», яъни панд-насиҳатлари бўлмаган девон тузилса, — дейди шоир, — у вақтда «беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат» тортган бўлади, унинг меҳнатлари бекор кетади. Чунки бундай девоннинг ҳеч кимга кераги йўқ. — Навоий ўзи «Бадоеъул-бидоя» девонини тузар экан, ундаги шеърлар таркибига «бирор-иккирор насиҳатаро ва мавъзитасо байт иртилоб қилинди...», — деб алоҳида таъкидлайди. Бунга шу девоннинг ўзидан ҳам юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, шоирнинг анъанавий ишқий мавзуда ёзилган ва «Телба кўнглум, вахки, ҳар соат биров сори борур...» деб бошланган ғазали мақташдан олдинги байтда иккиюзламачилик қораланади ва бу тўғрида шундай дейилган:

**Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули,**
**Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.**

Хусусан у ўз қитъалари ва рубоийларида, айрим муаммо ва фардларида, форсий ижодининг шу шеър турларида олам-олам маъноларни катта шоирлик маҳорати билан ифодалай олди. Масалан, унинг икки мисрадангина иборат қуйидаги фардида тасаввуфнинг мурувват ва футувват билан боғлиқ катта ғояси ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган дейиш мумкин:

**Мурувват барча бермакдур, — емак йўқ;**
**Футувват барча қилмоқдур, — демак йўқ.**

Шоир фикрича, тасаввуфга ҳақиқий қадам қўйган киши ниҳоятда мурувватли бўлиши, вақти покиза, ўзи емай бошқаларга бериши, бу йўлда жонини фидо қилиши, курашмоғи, жасоратлар кўрсатмоғи, лекин бу ҳақда мақтаниб, бир сўз ҳам гапирмаслиги даркор. Буни Навоий фалсафий ва аҳлоқий қарашларининг қаймоғи дейиш мумкин.

Навоий ўгитларининг мавзулар доираси шунчалик кенгки, бунда инсон ҳаёти ва фаолиятининг, маънавий дунёсининг, хулқ-атворининг бирон томони тушиб қолмагандек. Бу мерос бир томондан «Қуръон» ва ҳадислар билан боғланса, иккинчи томондан халқ донишмандлиги билан, учинчи жиҳатдан эса туркий, форсий ва адабий тиллардаги бой ёзма адабиёт билан туташган. Унинг бир ёнида Аҳмад Яссавий, адиб Аҳмад Югнакий, Сулаймон Боқирғоний, Лутфий, Хайдар Хоразмий турган бўлса, иккинчи ёнида Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хайём, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий тургандай.

Исломда, тасаввуфда, қолаверса, Шарқ мумтоз адабиётида «ҳаё» масаласи ва тушунчасига катта ўрин ва маъно берилган. Ҳаёли бўлиш инсонийликнинг, мусулмончиликнинг, одоб-ахлоқнинг тамал тошларидан бири ҳисобланган. Навоий «Назмул-жавоҳир» асаридаги рубоийларнинг бирида ҳаёни, ҳаёли бўлишни қуйидагича улуғлайди:

**Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё;**
**Бўстони саодатқа саҳоб* ўлди ҳаё.**
**Мазмум хасоилға ҳижоб ўлди ҳаё****
**Эл айнига*** гўёки ниқоб ўлди ҳаё.**

«Ҳаё» ҳозирги тушунчада юксак маданиятлиликни, камтаринлиликни, босиқликни англатади. Навоийча, ҳаё инсон обрў-эътиборини офтобдек ёритиб, гўзаллаштириб туради. Ҳаё саодат боғини офтоб тафтидан сақловчи булутдир. Шу билан бирга ҳаё инсондаги ёмон ҳислатларни яширгувчи парда, одамларнинг кўзини тўсиб турувчи ниқобдир. Яъни шоир фикрича, ҳаё инсоннинг заиф томонларини беркитади. Бу фикрларни Навоий оддийгина айтиб қўя қолмасдан, бу шеърда қофия бўлиб келган офтоб, саҳоб (булут), ҳижоб (парда), ниқоб образлари орқали конкрет ифодалаши ҳам таъсирлидир. Демак, ҳаёли бўлиш ҳар қандай одам учун шоҳга ҳам, гадога ҳам, олимга ҳам, оддий ишчига ҳам зарур бир фазилатдир.

Навоий ўзининг «Ҳайратул-аброр», «Садди Искандарий», «Лисонут-тайр» достонларида одоб-аҳлоқ масалаларини кенг кўламда ёритган ва таҳлил этган. Улардан айниқса, «Садди Искандарий» достони ҳали бу нуқтаи назардан етарли ўрганилгани йўқ. Гарчи бу достонда асосий гап Искандарнинг ҳарбий юришлари, унинг номи билан боғлиқ девор қурилиши («Садди Искандарий») ҳамда денгиз саёҳатлари хусусида борса ҳам, лекин шоир йўл-йўлакай мунтазам равишда шу воқеалар билан боғлиқ ҳолда ўз ахлоқий-тарбиявий ғояларини ҳам ранг-баранг шаклларда, киши қалбини тўлқинлантирадиган, онгини, ақлини ҳаётнинг туб масалаларига йўналтирадиган, чуқур ўйлатиб қўядиган даражада, муқаддас китоблар услубида баён этади. Буни биз қуйидаги шоирнинг ўз ўқувчиларига қаратилган ойнадек тиниқ, тонгдек шаффоф ва мусиқий байтларидан сезишимиз қийин эмас:

**Чу охир бўлурбиз одам, эй рафиқ,**
**Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ.**
**Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,**
**Тараб жомидин айлагил ўсни маст...**
**Чу охир борурсен, шитобинг недур?**
**Борурдин бурун изтиробинг недур?**
**Тараддудни тарк айлаб, ором тут.**
**Тузуб базм, аҳбоб ила жом тут...**
**Эрурлар ғанимат бори бу замон,**
**Ки бир-бирга сиз борингиз меҳмон...**
**Олинг айшдин умрнинг комини,**
**Тутунг хуш йигитликнинг аёмини...**
**Ва гар бермаса даст кому тараб,**
**Тараб йўқ дебон ўзга солманг тааб.**
**Ўзунгизни меҳнат куни овутинг;**
**Не ғам келса даврондин, осон тутунг.**



Бундай сатрларни ўз халқига, инсониятга чексиз меҳрибон, у билан бир жон, бир тан кишигина ёзиши, изҳори дил қилиши мумкин. Нақшбандия тариқига амал қилган Навоий шундай мулоҳазалар орасида Ватанни севиш ҳақида:

**Ватан таркини бир нафас айлама,**
**Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама!..**

деган сўзларни ҳам айтган. Бу мисоллар Навоийнинг аҳлоқий-тарбиявий қарашларига Нақшбандия таълимоти жуда катта ижобий таъсир кўрсатганидан далолат қилади.

Навоий ўгитларининг якунловчи қисмини «Маҳбубул-қулуб» ташкил этади. Бу насрий асар ҳижрий 906 (мелодий 1500-1501) йили, яъни шоир вафотидан сал бурун ёзилган. Шунинг учун уни улуғ шоирнинг сўнгги насиҳатномаси деб атаса ҳам бўлади. Уни Навоий ўзининг бой ҳаётий тажрибасидан, кузатишларидан келиб чиқиб яратган ва буни асар бошида алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Бу асарнинг қиммати аввало шундадир. Қолаверса, бу бошқа адиблар ва шоирларнинг насрий пандномаларига жавоб ҳам эди.

Навоийнинг достонлари ва лирик шеърлари унинг фалсафий мазмундор ўгитлари руҳи билан суғорилган. Унинг Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Дилором ва бошқа қаҳрамонлари қиёфасида ҳақиқий одамгарчилик, халқ ишига фидойи, дили адолат, саховат, маърифат нури билан ярқираб турган кишилар — «комил инсон»ларни кўрамиз. Бу омилларнинг ҳаммаси Навоийнинг ҳаётий мазмун билан суғорилган ўгитларини унинг бутун ижоди билан қўшиб ўрганишимизни ва тарғиб этишимизни тақозо этади.

**Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

***Саҳоб — булут. Бу ўринда булут иссиқ кунда саодат боғини қуёш тафтидан асраб турувчи нарса сифатида таърифланган.**
****Мазмуни: Ёмон хислатларни тўсиб турувчи ҳам ҳаёдир.**
*****Эл айнига — эл кўзига.**

АЛИШЕР НАВОИЙ

### ҒАЗАЛЛАР

**Агарчи йўқ талабингдин даме қарор манга,**
**Иродат эмгагидур бу, не ихтиёр манга.**
**Висол давлатин ул кун ўзумга жазм эттим,**
**Ки ҳажр ғуссасин этти ҳавола ёр манга.**
**Чу ёр кўнглида бўлсам, бало менга ёвумас —**
**Бу важҳ илаки, темирдун бўлур ҳисор манга.**
**Не билсун ул кишиким, чекмамиш фироқ тунин,**
**Ки не сифат кечадур тийра рўзғор манга.**
**Қочиб адамға борай ақлу фаҳму донишдин;**
**Ватан боринда бу ёт эл аро не бор манга.**
**Буюрмағил яна сабр, эй табиб, тенгри учун,**
**Ки ушбу шарбат эмас эмди созвор манго.**
**Навоийдек қадидин қилсам ўлгали оҳанг,**
**Бийик мақом топибон, ясанг мозор манга.**

***

**Оразу холингни бир дам кўрмасам, эй дилрабо,**
**Уйладурменким, кўрунмас кўзума оқу қаро.**
**Ҳажр аро раъно қадинг нахлин тилармен тенгридин,**
**Шомлар шамъ истагандек хайр аҳлидин гадо.**
**Гар фироқ айёмининг билмон ҳисобин, не ажаб,**
**Ким юзунг ҳажрида кундуз кеча янглиғдур манга.**
**Барқ эмас, оламға юз қўймишдур оҳимдин шарар,**
**Раъд эмас, гардунға чирманмиш фиғонимдин садо.**
**Бошинг ол, кет ўз пайи вақтингға, эй шайдо кўнгул,**
**Ким эмассен хаста жоннинг ҳеч дардиға даво.**
**Неча оқғай кўз ёшим, еткур ғуборин, эй насим,**
**Фарзи айн эрур, яшорур кўзга солмоқ тўтиё.**
**Умр елдек ўтмагин дебсен магар, эй боғбон,**
**Ким яқоси чоксиз гул бутмади бу боғ аро.**
**Жон топай дерсен сабуҳийдин, вале ғофилки, субҳ—**
**Чок этиб кўнглак, сенинг ҳолингта тутмишдур азо.**
**Эй Навоий, хаста кўнглумга мададдур новаки,**
**Рост андоқким заиф алга берур қувват асо.**

### РУБОИЙЛАР

**Олам бор эмиш, Навоиё, шўрангиз.**
**Оламдағи эл боштин-аёғ рангомиз.**
**Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари.**
**Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.**

***

**Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,**
**Юклаб элитинг жисми фигоримни менинг.**
**Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,**
**Қўйида қўюнг тани низоримни менинг.**

***

**Умрунг қуёшига бермасун чарх завол;**
**Жонинг камарини қилмасун давр ҳилол.**
**Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳр хисол,**
**Даҳр аҳлиға нурбахшу фархундажамол.**

• *Мангулик зиналарида*

## «АСРЛАРГА ЭЛТИБ ХАЁЛНИ...»

**Навоий ва Ойбек... Бу икки ажойиб сиймони беш асрдан иборат тарих масофаси ажратиб туради**

***Улар бизнинг — XX аср ўзбек маданиятининг тадқиқотчилари назарида қарийб эгизак тушунчалар, бир-бирига уйқаш адабий воқеаларга айланган, десак, муболаға бўлмас. Зеро, Ойбек узоқ асрлар мобайнида асарлари юлдуз нурларидек сочилиб ва тарқалиб кетган, ўзи эса хамсанафис салфаларининг оддий издоши сифатида баҳоланиб келган Навоийнинг дастлабки жиддий тадқиқотчиларидан бири бўлди. 1928 йилдаёқ Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан фаол қизиқа бошлаган Ойбек 1968 йилга — умрининг сўнгги нафасига қадар буюк ўзбек шоирининг бадиий оламини катта иштиёқ билан ўрганди. Ана шу қирқ йил давомида у адабиётшунос ва тарихчи олим сифатида Навоий даври, унинг мураккаб воқеаларга бой ҳаёти ва ижодига бағишланган ўнлаб адабий-танқидий мақолалар яратди. Шоир сифатида Навоий анъаналарини, унинг маҳоратини қунт билан тадқиқ этди ва улардан ўз ижодида баҳраманд бўлиш воситаларини излади. Яна, шоир ва адиб сифатида ўзининг ўлмас романи, қисса ва достонларида унинг пурвиқор сиймосини катта маҳорат билан муҳрлади.***

Бугунги нафақат ўзбек, балки жаҳон китобхонининг ҳам Алишер Навоий номини, ҳаёти ва ижодини билишлари ҳамда севишлари атоқли шоир, адиб ва аллома Ойбекнинг кўп йиллик ижодий меҳнати ва фидойилигисиз рўй бермаган. Шунинг учун ҳам бу икки қутлуғ номни ёнма-ён тасаввур этишимиз табиий бир ҳолдир.

Навоий Ойбек наздида Шарқ Уйғониш даврининг титан намояндаси эди. У Ойбекнинг кўз олдида фақат улуғ шоир бўлибгина қолмай, балки бадиий сўз ёрдами билан бутун бир халқнинг ўзини-ўзи таниши, миллат сифатида шаклланиши ва ижтимоий-маданий тараққиёт йўлига чиқиб олиши учун фидокорона меҳнат қилган забардаст арбоб ўлароқ ҳам гавдаланди. Шунинг учун ҳам у Ойбекнинг бутун борлиғини оҳанрабо янглиғ ўзига жалб этди.

«Навоий шеърияти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди,— деб ёзган эди у.— Ўз асарларимда шоир Навоий образини яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди».

Ойбек ана шу гигант сиймони бутун улуғворлиги ва тўлалиги билан ҳис қилиш, англаш ва пировардида тасвир этиш мақсадида нафақат унинг асарларини, балки XV асрдаги Моварауннаҳр тарихи ва маданиятига оид барча илмий адабиётни, хорижий сайёҳларнинг кундаликлари ва хотираларини тинмай мутолаа қилди. Машҳур шарқшунос олим, қомусий билим соҳиби Е. Э. Бертельс: «Агар мен ўзбек мумтоз шеъриятининг Ойбек каби ажойиб билимдонлари билан мулоқотда бўлмаганимда, Навоий ижодининг анча-мунча жиҳатлари мен учун қоронғи бўлиб қолган бўлур эди», деб бежиз ёзмаган. Ҳолбуки, у 1928 йилдаёқ Алишер Навоий олами билан таниша бошлаган ҳамда «Навоий ва Аттор» деган мақоласини эълон қилган эди. Уруш йилларида эса А. И. Дейч ва Л. Г. Бать сингари рус адабиётшунослари ҳам Ойбек туфайли Навоий шахси билан қизиқиб, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисса ва тадқиқотлар яратдилар.

Ойбек Навоий сиймоси билан боғлиқ ҳар бир нарсани — у хоҳ тарихий шахс ёхуд тарихий давр руҳини ифодаловчи тафсил бўлмасин — шундай меҳр билан ўргандики, кейинчалик, чунончи, Афғонистонни ўз кўзи билан кўрган рус шоири Николай Тихонов унинг Ҳиротни кўрмай-билмай туриб, шу қадар аниқ ва ёрқин тасвир этганидан ҳайратланган эди.

Ойбекнинг «Навоий» романи учун тўплаган материалларини назардан ўтказар эканмиз, бирбиридан мароқли лавҳалар, маълумотномалар, қайдларга дуч келамиз. Чунончи, «Ҳиротдаги гўзал жавлонгоҳ» деб номланган қуйидаги лавҳада бундай сўзларни ўқиймиз: «Навоий ҳаётда безакни, ёрқин рангларни севарди. Ҳиротни Алишер ингичка, завқига мос келадиган гўзал истироҳатгоҳлар — боғлар, парклар, хиёбонлар, олий иморатлар билан тўлдирди. Навоий ҳаётда қурмоқдан, яратмоқдан завқ оларди. Хуросонни маданий ва обод ўлкага айлантирмоқ учун ғайрат қилди. Чўлларда, карвон йўлларида йўлчилар учун ҳамма ўнғайликларга эга бўлган гўзал работлар қурдирди. Ҳар ерда мустаҳкам кўприклар қурдирди. Тарихий биноларни, санъат намунаси бўлган эски иморатларни таъмир этиб, сақлашга тиришди. Навоий Ҳусайн Бойқародан Ҳиротда, Инжил ёқасида ташландиқ катта майдонни сўраб олди ва бу ерда бир даста ажойиб маданий муассасалар вужудга келтирди...»

Тарихий манбалардан олинган шундай маълумотлар асосида адибнинг кўз ўнгида XV асрдаги Ҳиротнинг турфа рангли манзаралари аён гавдаланди, улуғ шоирнинг жонли сиймоси бутун салобати билан қад кўтарди. Ойбекнинг Ҳирот тўғрисидаги, Навоий тўғрисидаги ёрқин тасаввурлари тобора тошиб, ҳали ёзилмаган романнинг эскизлари сифатида қоғозга туша бошлади.

Бир неча саҳифалардан иборат ана шундай лавҳалар Ойбекнинг беш юз йил муқаддам бўлиб ўтган воқеаларни, ўша даврдаги Ҳирот ва унинг кишиларини аниқ тасаввур этганидан шаҳодат беради. Мазкур лавҳадаги «портал», «кустарник», «башня» сингари русча сўзлар адибнинг шу ўринда рус тилидаги манбалардан фойдаланганидан, шунингдек, ижодий жараён пайтида фикр ва тасаввур сўзга нисбатан илдамлиқ қилганидан далолат беради.

Хуллас, Ойбек «Навоий» романига киришган пайтида тарихий материални шу қадар мукаммал ўзлаштирган эдики, у ҳатто буюк шоирнинг қаерда ва қандай юргани, кимлар билан ва нима ҳақда сўзлашганини аниқ тасаввур этиш иқтидорига эга бўлган эди.

«Навоий» романининг яратилгани ҳақида баҳс юритишдан олдин яна бир нарсани эътибордан қочирмаслик лозим. Ойбек ёзувчилик кучини «азамат мавзу»да синаб кўришдан аввал, 1937 йил майида, «Навоий» деган лирик достонини ёзган. Бу, ўзбек санъатининг Москвада — собиқ иттифоқ пойтахтида ўнкунлиги ўтаётган кунлар эди. Асосчиси улуғ Навоий бўлган ўзбек санъатининг ўнкунликдаги муваффақияти, «Правда» газетасининг ўзбек халқи маданияти шарафига ёзган баланд сўзлари Ойбекни ғоят илҳомлантирди. Собиқ иттифоқнинг бош газетаси эса бундай ёзган эди: «Ўзбекистон аҳолиси бир вақтлар жаҳондаги илғор халқлар жумласига кирарди. У буюк қўшни халқлар маданияти таъсиридан баҳраманд бўлган бой маданиятга эга эди. У Юнонистон ва Хитой, Ҳиндистон ва Эроннинг қадимий маданиятлари билан бирга нафас олар эди. У ягона жаҳон маданиятини яратишда баравар иштирок этди».

Ўзбек халқининг «ягона жаҳон маданияти»ни яратишдаги иштироки биринчи навбатда Алишер Навоий номи билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўнкунликнинг баланд руҳда ўтаётгани, «Правда»нинг, бошқа марказий газеталарнинг ўзбек маданияти шаънига айтаётган сўзларидан рағбатланган Ойбек Навоийга бағишланган илк асарини ёзди. 24 майда Москвада ёзиб тугалланган бу лирик достон қуйидаги сўзлар билан бошланади:

**Асрларга элтиб хаёлни,**
**Баъзан ёрқин кўраман чолни...**
**Нуроний юз, нуроний соқол,**
**Кўзларида муҳаббат, малол.**
**Даҳо порлар пешонасидан,**
**Гўё қуёш-булут ичидан.**
**Буюк кўнгил ва буюк фикр**
**Мавжи каби чизгиларда сир.**
**Кўркам, мағрур, оз эгик боши,**
**Қуюқ, жиддий киприги, қоши.**
**Нигоҳининг маъноси нодир:**
**Шундай боқар файласуф шоир...**

1937 йил майида Ойбек хаёлида жонланган ана шу сиймо кейинлик унинг бутун борлиғини банд этди. Ва у 1942 йил қишида, таҳликали кунларда ўзининг ўлмас асарини — «Навоий» романини яратди.

Ўтган йили ушбу романнинг илк бор нашр этилганига 50 йил тўлди. «Навоий» романи ярим асрдан бери нафақат ўзбек китобхони, балки бошқа маданий мамлакатлардаги китобхонлар оммаси қаршисида ҳам улуғ ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбобининг гўзал сиймосини гавдалантириб берди. Биздан беш аср илгари яшаб ижод этган инсонсевар шоир Ойбек илҳоми ва ижодий меҳнати туфайли халқимиз меҳрини, худди тирик инсондек, улуғ замондошдек бир умрга қозонди.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори.**

## ИЛМИЙ АНЖУМАН

Бугун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт институти ва Республика ёзувчилар уюшмаси жамоасининг А. Навоий адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий анжумани бўлиб ўтади.

Унда филология фанлари номзоди Суйима Ғаниеванинг «Рисолаи тирандохтон», Р. Воҳидовнинг «Маҳбубул — қулуб»нинг янги қўлёзма нусхаси», Термиз давлат университетининг катта ўқитувчиси Ш. Ёқубовнинг «Сабъаи сайёр»даги тасвир маҳоратига доир», Андижон давлат университети ўқитувчиси, доцент Ҳ. Солиҳованинг «Алишер Навоий ва уйғур насри» мавзуидаги маърузалари эшитилади. Шунингдек, анжуманда А. Навоийнинг бошқа асарлари тадқиқотига оид маърузалар ҳам тингланади.

**Файзулла МУРОД ўғли.**

## СЕРМАЗМУН КЕЧА

Кеча ТошДУ қошидаги Олий педагогика институтида Алишер Навоий таваллудининг 554 йиллигига бағишлаб навоийхонлик кечаси ўтказилди. Уни институт директори, тарих фанлари доктори, профессор Ш. Шаропов кириш сўзи билан очди.

Кечада профессорлар М. Орипов «Навоий инсон ҳақида», Ё. Исоқов «Навоий ва нақшбандийлик», Э. Умаров «Навоий ҳикматлари», Э. Чориев «Навоий ижодида таълим-тарбия масаласи» мавзуида маъруза қилдилар. Шундан сўнг ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг бир гуруҳ талабалари Навоий ғазалларидан намуналар ўқишди.

**Файзулла БОБО ДЎСТ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИГА БАҒИШЛАНДИ

«Баҳор» давлат рақс дастаси шеърият султони Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб «Сарви гулрў келмади» деб номланган янги дастур тайёрлади. Унга улуғ мутафаккир ғазаллари билан айтиладиган мақом ва ашулалар, жозибали рақслар киритилган.

Дастурдан Навоий асарлари асосида яратилган «Саббаи сайёр» сингари бир қанча мумтоз рақслар ҳам ўрин олган.

• *Сўз-Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи толибларига*

## ҚАЛБГА ИНГАН ҚАТРАЛАР

### ЕТУК ТИЛШУНОС ҲАМДИР

Барча ижодкорлар форсий шеърлар ёзишаётган бир даврда Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари билан туркий тилнинг афзалликларини кўрсатиб берди. Бу иш Навоий учун (ўзининг тили билан айтганда) «илонли» ва «тиканли» ҳазинага кириш билан баробар эди. Бу ишни у туркий ва форс-тожик тилларини чоғиштириш асосида ниҳоясига етказди. Навоий феъллар ва синонимлар ҳақида фикр юритар экан қуйидагиларни келтиради: йиғламсинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, ўкурмак, инчкирмоқ каби туркий феъллар ўрнига фақат гиря кардан форсий феъл мавжуд.

Ичмоқ, сипқормоқ, томшимоқ каби феъллар ўрнига эса нўшидан феъли қўлланилади.

Сингил ва эгачи сўзи ўрнида хоҳар; оғо, ини сўзи ўрнида free бародар сўзи билан мурожаат қилишади. Жибилгир, тўқум, торлиғ, тўқа, қўшқун каби асбоб номлари фақат туркийчада номланган.

Ундан ташқари, бу асарда сўзларнинг ясалиши, омонимларнинг вазифаси ва уларнинг қўлланиши ўринлари ҳақида ҳам фикр юритади.

Бу билан, англаш мумкинки, Навоий нафақат шоир, тарихчи, балки етук тилшунос ҳамдир.

**Зиёда АКБАРҚУЛОВА.**

### ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ МЕЪМОРИ

Алишер Навоий ўзининг лирик, эпик, тарихий ва бошқа бир қанча асарлари билан эл орасида асрлар оша ўз қадрини сақлаб келмоқда. Унинг асарларида ифода санъатларининг қўлланиши, уларнинг ўрни ва моҳияти ҳар бир ўқувчини қизиқтирмай қўймайди. Шундай санъатлардан бири ирсол улмасалдир. Навоий бу санъат орқали байтдаги фикрини янада тугал ифодалашга эришган.

**Мутриб била не кўнгли очилсун Навоийнинг**
**Ким мен фироқдин десам, ул дер «Ироқ»дин.**

Ҳозирги пайтда бу мақол эл орасида, «Мен калла десам, у салла дейди» деб ишлатилади.

**Ишқ ўтинки ёшурдим эл аро ёйди рақиб,**
**Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён.**

Бу мақол халқ орасида «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деб юритилади.

**Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмоғум,**
**Ўйладурким ит уюб қолдию кўчти карвон.**

Бу мақол ҳозир ўз шаклини йўқотмай «ит ҳуради, карвон ўтади» деб қўлланилади.

«Сув келтирмоқ ҳамону, кўза синдирмоқ ҳамон» мақоли эса

**Тўкуб май муҳтасиб, мен йиғладим лекин ул усрукка,**
**Сув келтирмоқ ҳамону кўза синдирмоқ ҳамон эрмиш**

байтини тугаллаштиришга ёрдам беради. Навоий қўллаган ирсол ул-масал санъати шеър қимматини оширибгина қолмай, ўша даврда халқ орасида кенг қўлланилган мақолаларни авлодларга етказишга ёрдам беради.

**Толиб ТЕМИРОВ.**

### БИТИЛГАН АЗИЯТЛАР — АЙТИЛГАН ВАСИЯТЛАР

**Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,**
**Элидин ғайру жафо қилма ҳавас,**
**Етса ҳар дам сенга юз муҳлик-дард,**
**Ўлсанг ўл, лек даъво қилма ҳавас.**

Дунёни забт этиб, бақога қўли бўш кетганларни кўриб, дунёга содиқ бўлиб, ундан вафо кўрмаганларни кўриб, Навоий ўз маҳрамига мурожаат қилиб, бу айёр даҳр дилидаги заҳарнинг асал тусига кириб томишига алданмасликни маслаҳат беради. Меҳру вафога ёт, бегона бўлган олам бағрида кўкараётган эл ҳам барибир шу каззоб дунёнинг мустамласидир, шу важдан ундан ҳам меҳр кутиш буюк хато деб таъкидлайди шоир. Бошига тушган азияту кулфатларни кўтариб толиққан шеър соҳиби бу кўргиликларнинг барчасини муғомбир дунёни паноҳ билиб, чеккан азоб, кўрган зарарларнинг товонини ундан сўрайдиганлигидан таассуф чекади, шунингдек, ўз мухлисини ҳам ҳушёрликка даъват этади.

**Дилфуза БЕГИМ.**

